

# «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» — ОҒУМИ?

Келгусеп  
сонларда ўқинг

Экологик ҳодиса

## ВАҲИМАГА АСОС БОРМИ?

Келгусеп сонларда ўқинг

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 5 июнь • сешанба • № 66 (4039)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

### Қасаба уюшмалари қўмағи билан

Олимжон Камолов «Навоий савдо комплекси» АЖда 2017 йил 16 июндан бошлаб бошқарув раисининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган эди. Аммо 6 ноябрда у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига қўра, бекор қилинади.

### Ишга тикланди, зарарлар ундирилди

АЖ бошқаруви раиси А.Турсунов 2017 йил 1 ноябрда қўзғатув кенгаши раиси А.Ражабовга билдирги билан мурожаат қилиб, унда О.Камоловнинг ижро интизомига риоя қилмагани, вазифаларини мунтазам равишда бажариш, интизомий жавобгарликка тортилганига қарамайдан бошқарув раиси томонидан берилган топшириқларни сурункали равишда бажармагани асос қилиб кўрсатилган. Меҳнат кодексининг 101-моддасида кўрсатилишича, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшма қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бирок Олимжон Камолов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи қасаба уюшмаларнинг йиғилишида муҳокама қилинмаган. Бу эса қонун талабига зиддир.

Шу сабабли, Навоий вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Олимжон Камоловнинг қонуний манфаатини қўзлаган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга иш берувчининг буйруғини гайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий прогнот юрган қўнлар учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди. Суд қасаба уюшмалари даъвосини қаноатлантириб, Олимжон Камоловни «Навоий савдо комплекси» АЖ бошқарув раисининг ўринбосари вазифасига ишга тиклаш ва унинг фойдасига 4 637 000 сўм иш ҳақи, етказилган маънавий зарар учун 1 560 000 сўмлик тоvon ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Мазкур ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясида ҳам ўзгаришсиз қолдирилди.

**Алишер РАҲМАТОВ,**  
Навоий вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

## «Амударё» дунё болалари ҳавас қиладиган оромгоҳ



Ушбу маскан 200 нафар болажонни қабул қилиб, фаолиятини бошлади. Режага қўра, 5 навбатда 1000 нафар кичкинтойнинг мароқли ҳордиқ чиқариши таъминланади.

### Бизга жавоб беришди



### Муаммо ечим топадиган бўлди

2

## «Шунча бўлурми ҳай-ҳай?!»

Кўпчилик санъаткорни қўшиғи учун эмас, тўйимга фалон-фалон артистлар келди, дея мактабниш учун айтаётгандек. У қандай қўшиқ қўлади ёки дискни қўйиб оғзини қимирлатиб кетадими, бу меҳмонларга ёқадими-йўқми буни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Фақатгина тўйда ўша юлдуз кўриниш берса бўлди. У учун қанча-қанча маблағ сарфлаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бунинг ортидан тўйнинг овозаси «оламга ёйилса»... Назаримизда, бу иллатдан қўтилиш пайти келганини халқимиз онгига сингдириш керак бўлган пайт келди.

4

## Яширин имкониятлар эшиги

Ҳаётнинг йўллари ўнқир-чўнқир дейишади. Бирда тўқчилик, баъзан йўқчиликка ҳам дуч келиш табиий ҳолдир. Энг муҳими, барча синовларни ўз кучинг билан енгил ва олға интилишдир. Секторлар фаолияти шарофати билан кўплаб хонадонларда бўлиш, одамларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Аксарият давлатдан моддий ёрдам олишни истовчилар, ҳаёти ҳаминақадар ўтаётганларнинг кўпчилигида меҳнатга бўйни ёр бермасликни кўрдик. Аммо шундай оилалар борки, бир кафт ерининг ҳар қаричини чаман қилиб, ҳаётини гўзал тарзда ўтказмоқда.



2

### КУН НАФАСИ

2018 — 2020 йилларда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ҳамда харажатлари очиклигини таъминлаш, шунингдек, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси — «Йўл харитаси» тасдиқланиши мумкин. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида эълон қилинган Президент фармони лойиҳасида белгилаб қўйилган.

«Tashkent City» халқаро бизнес марказидаги объектларни тўлиқ ишга тушириш жараёнини 4 йил ичида якунлаш режалаштирилмоқда.

«2018 — 2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди. Унга Бош вазир ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева раҳбарлик қилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Унга мувофиқ Олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ҳар йили 5 июлда ўтказилади.

Полковник Тохир Арипов Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди. У бунга қадар ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи бўлган.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон баскетбол федерациясининг 2016-2017 йилдаги фаолияти муҳокама қилинди. Шу жараёнда унинг янги тахрирдаги устави тасдиқланди.

Конференцияда мазкур федерация президенти лавозимига Адлия вазирлиги Руслан Давлетов сайланди.

Андижон вилояти Пахтаобод тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Фарходжон Хожиматов ўз аризасига қўра, вазифасидан озод этилди. Вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг икитисодий масалалар бўйича ўринбосари лавозимига ишлаб келаётган Маҳмуджон Бозоров мазкур туманга ҳоким этиб тайинланди.

Ҳосил Холматов Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди.

7-8 июнь кунлари Тошкентда «Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янги ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Буюк ипак йўли чоррахасида жойлашган, ўтмишдан бой тарихга эга, азиз авлиқалар юрти бўлган Сурхон воҳасида ҳақиқий дўстлик ва бизнес байрами — «Open South International Business Forum» форуми бўлиб ўтмоқда.

Вилоятнинг инвестиция, экспорт ва туризм соҳагини на-

мойиш этишга бағишланган халқаро бизнес форумга дунёнинг 19 та давлатидан 160 дан ортиқ ишбилармонлар, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, чет эл ваколатхоналари ходимлари иштирок этмоқда.

«Шаҳар ва кишлоқлар ҳудудида дарахтларни ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ қилиш» он-лайн-петицияси 2 июнь кўни керакли 10 минг овозни тўплади. Энди ушбу жамоавий мурожаат ҳам Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар ИИБда журналистлар учун ўтказилган брифингга қайд этилишича, Тошкент шаҳрида ҳайдовчилар видеорегистратор орқали қайд этилган қондабузилишларини «Telegram» орқали +998 99 889-07-27 рақамига юбориши мумкинлиги эълон қилинди.

ИИББ вакилларининг айтишича, юборилган видеолар асосида қондабузарларга чора кўрилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида қорақалпоқ халқининг буюк фарзандлари Бердак ва Қўнўжа шоирга рамзий қабрлар ташкил қилиниб, уларнинг мемориал музейи қад ростламоқда.

Сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда мамлакатимизда 15 минг гектарда томчилятиб, 12 минг гектарда эгтага плёнка тўшаб, 36 350 гектарда қўчма эгилувчан қўвуқлар орқали сугориш усуллари жорий этилади.

«Менинг фикрим» жамоавий мурожаатлар порталига мактаб директорлари сайловини жорий этиш ҳақидаги петиция жойлаштирилди.

Жорий йил 3 июндан бошлаб шу сана Бутунжаҳон велосипед кўни сифатида нишонланадиган бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси Туркменистоннинг тақдирини бинашон шундай қарорга келди.

БМТга аъзо давлатлар энди ҳар йили 3 июнь санасида марказий майдонларда велосипедлар, маҳорат сабоқлари ва флэшбормлар ўтказиши.

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Наманган ва Сирдарё вилоятларининг барча туман ва шаҳарларида «Аёллар ижтимоий мослашуви маслаҳат марказлари» иш бошлади.

Мазкур аёллар мослашув марказлари йил охирига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиши режалаштирилган.

Хонобод шаҳрининг Фитрат маҳалласидаги ташландик ҳолатга келиб қолган бино ўрнида Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси бош директори Набижон Усмонов ҳамда Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев замонавий спорт мажмуасини қўймоқда.

Янги бунёд этиладиган спорт мажмуасида 1200 нафар ёш спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, бу ерда бокс бўйича терма жамоалар ҳам ўқув машғулот йиғинларини ўтказиши мумкин.

Интернет нашрлари ҳамда ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

3







Туркияда сафарда бўлган ҳамкасбимиз иштирок этган бир даврада томорқа хусусида гап кетибди. Шунда у ўн тўрт сотихга яқин томорқаси борлигини айтибди. Буни эшитган мезбонлар ҳайратга тушибди. — Бизда аксарият оилалар ана шундай имкониятга эга, деган гапимга улар ишонмади, — дейди у. — Дунёда бир қарич ерни кўзга суртадиган юртларни кўргангидея беихтиёр она Ватанни, қадрдон кишлорни ёдга олар экансан.

## Рўзғордан ортгани — сармоя

Дарҳақиқат, пойимизга тўшалган хазинанинг қадри ўзгача. Гарчанд кечроқ бўлса-да буни тушуниб, англаб бораёلمиз. Бугун бир сотих ердан 5-10 миллион сўмлаб даромад олаётганлар сонинча кўпайди. Биргина Пастдарғом туманида истикомат қилаётган 82 мингдан ортиқ оила тасарруфида 9688 гектар томорқа майдони мавжуд.

— Эрта кўклардан туманимизда томорқадан самарали фойдаланиш тарғибига бутун жамоатчилик вакиллари жалб этилди, — дейди АСМ ходимлари қасаба уюшмаси Пастдарғом тумани кенгаши раиси Улаш Абдуллаев. — Томорқа эгаларига «Пастдарғом томорқа хизмати», «Гўзалкент томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамиятлари хизмат кўрсатмоқда.

Туманда жорий йилда тижорат банклари кўмагида юзга яқин ихчам иссиқхоналар ташкил этилди. Мавжуд томорқа майдонлари самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айни чоғда 1053 гектар ерга экилган картошка пишиб етилди. Хонадонлардаги 1982 гектардаги помидор, 171 гектарлик сабзи, 1239 гектарлик полиз, 1001 гектарлик кўкат, 867 гектардаги дуккакли экинлар баравж. Бу эса томорқа эгаларига дастлабки хомчўт бўйича 152 миллиард сўмдан зиёд фойда келтиради, деганидир.

Ўз ховлисини яшатиб, мўмай фойда



олаётганлар бу ерда кўпчилик. «Пахтакор» маҳалласида яшовчи Толиб Маллаев ана шундай омилкор оила соҳиби. У 12 сотихлик томорқасида астойдил тер тўкишга одатланган. Ўтган йили «Агробанк»нинг Гўзалкент филиалидан 12 миллион сўм кредит олиб, 115 туп пакана ёнғок кўчати экди. Бундан ташқари, мўъжазгина иссиқхонасида 20 туп лимон ўстирмоқда. То-


морқасида 50 тупдан ортиқ меваги дарахт ҳосил беради. Биргина узумдан ҳар йили бир тоннадан ортиқ ҳосил олади. Боз устига, бир неча кути асалари парваришини ҳам йўлга қўйган. Толиб Маллаевнинг қўлига қалта олиб бозорга бормагани анча бўлди. Чунки у йил - ўн икки ой томорқадан чиққан маҳсулотларининг хузурини кўради.

— Еб-ичганимиздан ортганини бозорга чиқарамиз, — дейди Толиб ака. — Ҳисоблаб кўрсак, томорқамизнинг рўзғордан ортган бир йиллик даромади 15 миллион сўмдан ошар экан.

Бир қанча маҳаллалардаги томорқаларни кўздан кечириш жараёнида кишиларнинг томорқага муносабати ва меҳри ошганига амин бўлдик. Қасаба уюшмаси раисининг айтишича, томорқасидан самарали фойдаланишга безътибор бўлган бир қанча фуқароларга жиддий чоралар қўлланилган. Бундан ташқари, кексалиги ва меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли ерда ишлашга қучи етмаганларга ҳашар йўли билан экинлар экиш ва уларни парваришлашга қўмаклашилмоқда.

«Беклар» маҳалласидаги Матлуба Акамуродова хонадонидagi саранжом-сарипталикдан кўнгиллар яйрайди. «Сариштали уй — фариштали уй» дея бежизга айтилмайди. Бу ерда она ернинг саховати кўз ўнгимизда намоен бўлади. Банкдан олинган 5 миллион сўм кредит эвазига 1 сотихлик иссиқхона барпо этилган. Февралда картошка, унинг ораллигига бодринг кўчатлари экилган. Картошка ҳосили билан банк қарзи узилган. Гўж-гўж етилган бодринг нақд фойда олиб келаётир. Ораллиқда редиска ва кўкатлар ҳам бозорга олиб чиқилмоқда.

Халқимизнинг «Ерни боқсанг, ер сени боқадди», деган доно нақлидаги ҳикматни теран англаган инсонлар томорқасини даромад манбаига айлантириб, оиласи фаровонлигини таъминлашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият тараққиётига ҳисса қўшади.



Нурилло ШАМСИЕВ  
«Ishonch»

# Уй олдидаги хазина

Саргузашт асарларда хазина изловчиларнинг бошдан кечирган ғаройиб воқеалари баён этилади. Уларни ўқиган айрим кишилар ҳам ҳаёлий «сим-сим» хазинасини излаб топиш дардига йўлиқади. Бошқа бировлар эса шундай вазваса билан умрини елга совуради. Яна шундай инсонлар ҳам борки, улар хазинани узоқдан эмас, ўз уйининг олдидан қидиради... Топади ҳам!

Ҳаётнинг йўллари ўнқир-чўнқир дейишди. Бирда тўқчилик, баъзан йўқчиликка ҳам дуч келиш табиий ҳолдир. Энг муҳими, барча синовларни ўз қучинг билан енгил ва олға интилишдир. Секторлар фаолияти шарофати билан кўплаб хонадонларда бўлиш, одамларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Аксарият давлатдан моддий ёрдам олишни истовчилар, ҳаёти ҳақинқадар ўтаётганларнинг кўпчилигида меҳнатга бўйни ёр бермаслиқни кўрдик. Аммо шундай оилалар борки, бир қафт ерининг ҳар қаричини чаман қилиб, ҳаётини гўзал тарзда ўтказмоқда.

Уларнинг омилкорлиги, меҳнатсеварлигини ҳар қанча таърифласанг, ўзгаларга ибрат қилсанг оз. Зеро, таёқ суксанг, мева бергулик серхосил заминимиз бор. Бундай шароитдан фойдаланмаслик, кўкдан чалпак ёғишини кутиш бориб турган нодонликдир.

— Кишлоғимиз азал-азалдан уста дехқонлар, миришкор богбонлар юрти бўлган, — дейди Чуст туманининг Олмос кишлоғида яшовчи пенсионер Зумрадхон ая Рухсатова. — Ердан фойдаланиш, даромад топишнинг хўп ҳадисини олганмиз. Ҳар баҳорда оила-оила бўлиб, мавсумий дехқончилик қилиш учун юртимизнинг турли ҳудудларига кўчиб кетишди. Кишлоқда асосан кексалар қолади. Ҳар ким қўлдан келганча, тирикчилик учун ҳаракат қилади. Мен ҳам олти сотихли томорқамизга киш сўнгидея картошка экаман, март ойининг сўнгидея картошканинг пуштасига икки ёнлама қилиб ловия уруғини қадаймам. Қарабсизки, картошка билан ловия ҳам пишиб етилади. Картошкани рўзғорга ишлатамиз, ловия эса қўшимча даромад. Иккинчи экин сифатида битта пуштасига сабзи, қолган жойга маккажўхори, турп, шолғом уруғини сепаман, помидор-у калампир ҳам жуда серхосил бўлади. Токсўрига тирмаштириб бодринг ва ошқовоқ экамиз. Ҳовлимда меваги дарахтнинг барча тури бор. Қишга захира сифатида компот-у мураббо, туршак тайёрлашдан ортганини сотамиз. Йилига тўрт сотихлик томорқамдан 10-12 млн. сўм ҳосил оламиз. Шу даромадимиз бор эканки, бирор марта киши юзига сарғаймадик, «Нексия», «Дамас», ҳатто тракторгача олдик. Беш қиз-у бир ўғлим бор. Уларга ҳам ҳаминша «бирор кишидан ёрдам сўраб зорикқандан кўра ерга меҳр бер, меҳнатни сев, элнинг олди бўласан», деб уқираман.

— Туманимиздаги кўплаб ишсиз, кам даромадли оилаларга Зумрад ая сингари ишнинг кўзини билган томорқа эгаларини ибрат қилиб кўрсатамиз, — дейди АСМ ходимлари қасаба уюшмаси Чуст тумани кенгаши раиси Дилшод Зокиров. — Давлат «экин эк, фойдалан, рўзғорингга барака қирит» деб ер бериб қўйибди, бундан фойдаланиш керак. Шундай юртлар борки, ер қамлигидан дарё-ю денгизлар устига махсус мосламалар ўрнатиб, унга тупрок со-

либ, дехқончилик қилишди, дея кўп тушунтирамиз. Тарғибот туфайли ҳам кўпчилик оилалар ўз даромадига эга бўлмоқда. Ҳозирда вилоти-мизда томорқада кўчатчилик (помидор, бодринг, булғор калампир, тарвуз, ковуи) яхши ривожланмоқда. Бир сотихлик ердан шу йўл билан 5 млн. дан 10 млн. сўмгача даромад қилиш мумкин. Бу 40 кун ичидаги кўрсаткич. Унинг ўрнига яна 3 марта экин экилишини инobatга олсак, боболаримиз айтган «иш билганга минг танга»

## Яширин имкониятлар эшиги



аталган кунлар етиб келганини англаймиз.


— Томорқа юзасидан қасаба уюшмалари кўплаб тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Мақсад — одамлар ҳаётини фаровон қилиш, — дейди ИТИЧС ва ХКТХ қасаба уюшмаси Чуст тумани кенгаши раиси Манзура Ҳакимова. — Тан олиш керакки, бу ишлар бошида силлик кечмади. Тушунтиришлардан сўнг ҳозир одамларнинг ўзи ҳаракатга тушиб қолди. Биргина мисол: уйда барзангидек икки ўғли бор бир хо-



надонга қирдик. Ҳовлининг паҳса девори тўкилиш арафасида. Яшаш шароити ҳақида сўрасак, «Маҳалла ёрдам бермайди, қийналяпмиз», дейишди. Олти сотихли ховлига қанон кетмон уриганини ўзлари ҳам эслашмоқда. Катта келинга «эркакларни яхши гап билан секин йўлга солинг, бировдан ёрдам қуттиш уларга ор эканини тушунтириш, ховлингиз олти сотих экан-ку, икки сотих ердан миллионлаб даромад олаётганлар бор. Кейин томорқамизга кўчат ўтказинг, икки-уч йилда ҳосилга кириб, болаларингиз оғзи мевага тегади, ортганини бозорга чиқариб, даромад топасиз. Ҳовлига навбатчи билан қишда кўкат, ундан кейин картошка-пиёзми, дуккаклилардан

экинг. Қарабсизки, рўзғор камини томорқанинг ўзи тўлдириб туради. Бугун нимаики қилсангиз, фарзандингиз сиздан ўрганади, ишларингизни келажакда такрорлайди. Шундай экан, ҳамма ҳавас қиладиган оила бўлишингиз йўлида биздан нима ёрдам керак бўлса, тайёрмиз», дедик. Келин уятдан қизариб: «Ўзимиз эплаймиз, опа-жон», деб жавоб берди. Орадан бироз фурсат ўтиб, яна шу хонадонга қирдик. Бутунлай ўзгача манзарани кўриб, жуда қувондик. «Берсанг ейман...» қабилидаги боқимандалик қайфиятидан асар қолмаган. Тўғри, ховли дангиллама эмас, аммо эркак қўли теккани сезилиб турарди. Чироили жўяқ тортилиб, картошка экилган, бир қаторини эса плёнка билан ўраб қўйишди. «Яхши отта бир қамчи», деган нақл бор. Фойдасини кўзлаб айтган маслаҳатимизга амал қилган бу оила ўзини тиклаб олишига ишондик.

Дарҳақиқат, юртимизда хали фойдаланилмаган имкониятлар меҳнатнинг ботиний қудратини англаган инсонлар ҳаракати сабаб юз очади. Бу эса янги иш ўринлари, фаровон ҳаёт, мўл-кўлчилик деганидир.



Дилдора РАХМОНОВА  
«Ishonch»

## Кичик ердан катта даромад

Пахтаобод туманининг Бўстон кишлоғида яшовчи Омаджон Ибайдуллаев томорқасининг уч сотих қисмида иссиқхона қурган. У ўтган қишнинг қоқ чилласига «Орзу» навли бодринг кўчатлари экди. Экиннинг маҳаллий ўғитга талаби юқори экан. Бу масалада чорва парвариши билан шуғулланувчи қўни-қўшнилари кўмак беришди. Иссиқхонанинг ўзига яраша машаққатларини енгилда Омаджонга укаси Зиёдилло, турмуш ўртоғи Уминсаҳон елкадош бўлишди. Ниҳоят, етмиш кун деганда — мартнинг илк кунларида дастлабки ҳосил етилди.

— Томорқа — катта бойлик, деб тўғри айтишган экан, — дейди Омаджон. — Ҳафтадига беш марта, беш ойдан зиёд ҳосил олдик. Дастлабки кунларда бозорга 25-30 килограммдан бодринг олиб чиққан бўлсак, бу кўрсаткич бора-бора 50-70 килограммни ташкил этди. Ҳосилнинг ранги, таъми, шакл-шамойили бир хил. Домий ҳаридорларни топдик, шу юмшунинг ортидан оиламизга янада кут-барака кирди.


Бугун қаердаки томорқа эгаларининг бозор-боп экинларга ихтисослашуви аниқ йўналишга эга бўлса, ўша жойда маълум бир экиндан юқори ҳосил ҳамда шулга муносиб равишда даромад барқарордир. Масалан, Балиқчи туманидаги Чинобод шаҳарчасида асосий экин эртак сабзи ҳисобланади. Шаҳрихон туманидаги Найнаво кишлоғида ханда-лак етиштирилмаса, дехқон бозорлари ғариб бўлиб қолиши, шубҳасиз. Жалақудук туманидаги Давларзин, Пахтаобод туманидаги Бойкечик маҳаллаларида анжир етиштириш асосий ўринда. Избоскан туманидаги Чувама, Тўртқўл кишлоқларида анорчилик алоҳида ўрин тутди.

Андижон шаҳрига туташ Ҳакан кишлоғида сабза-завот ва резавор экинлари етиштириш аъёнасининг пайдо бўлганига 150 йилдан ошди. Мамлакатимизда биринчи иссиқхона ҳам айни шу кишлоқда бўй кўрсатган десак, муболага эмас. Ҳозирда иссиқхоналар янги конструкциялар асосида барпо этилмоқда. Ҳаканликлар биринчи экин бўлмиш кўк пиёз, қашни, шивит, жамбил, саримсоқпиёз каби экинларни йиғиштириб, ўрнига экилган бодринг ва помидор

ҳосилини бозорга олиб чиқишганига анча бўлди. Бозори чакқон бўлганлар биринчи экин ҳисобидан беш-ўн сотихли иссиқхоналардан 15-30 миллион сўмгача даромад олишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, иссиқхона бора-сида етарли тажрибага эга бўлмаган хонадон эгалари зарарқундалар туфайли ҳосилнинг 35-40 фоизидан ҳосусо бўлаётгани ҳам бор гап. Шу маънода Балиқчи туманида ёш тадбиркор Шаҳризода Мусабоев ташкил этган «Ўсимликлар клиникаси» зарарқундаларга қарши курашнинг дастлабки босқичини бевосита хонадонлар шароитида амалга оширишга ихтисослашгани билан аҳамиятлидир. Вилоятда илк бор иш бошлаган «Ўсимликлар клиникаси»нинг олти нафар мутахассиси хонадонларга шартнома асосида хизмат кўрсатишга киришди. Мазкур янгилик ҳосил кўтарилган паллада томорқачининг фойдасига хизмат қилиши шубҳасиз.

Айни пайтда Андижон вилоятда 496 минг 926 та хонадон мавжуд. Улар ихтиёрида 24 минг 540 гектар экин экиш ёхуд мева етиштиришга яроқли ерлар бор. Иборали айтганда, чўп сукса кўқарадиган мазкур майдонлар катта бойлик, хазина манбаи. Бу фикрнинг бекиёс аҳамиятини бир парча ер билан тўқчилик, маъмуричилик оғушида умргузаронлик қилаётган оилалар мисолида кўриб турибмиз.



Нурилло НҲҲМОМОВ  
«Ishonch»



## Ердан зар ундираётган доктор

Одатда кўпчилик «дипломли кишилар ўз касбидан бошқа соҳани яхши билмайди» деган фикр тарафдори бўлади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бунга қўшилиш мумкин эмас. Чунки ишбилармонлик ва тадбиркорлик — давр талаби.

Эшмуҳаммад Дўсалов ана шу ҳақиқатни яхши англаб етган инсонлардан бири. У Сурхондарё вилоят ши-фохонасининг «Тез ёрдам» бўли-мида шифокор бўлиб ишлайди. Тажрибали мутахассис «Хамма ҳавас қиладиган касбим бор, оладиган маошим рўзғоримга етиб турибди» қабилида ўйловчилар тоифасидан эмас. Олий маълу-мотли шифокор дехқончиликка меҳр қўйган. Унинг хонадонидея бўлган киши уста богбон ёки олим-агроном билан суҳбатлаш-гандек бўлади. Чунки дехқон-чилик илмини сув қилиб ичган. Айни пайтда 20 сотихдан кат-тарок томорқасида кишин-ёзин зироат ўстиради. Бунга ҳамма-нининг ҳаваси келади. Ўтган йили томорқасининг бир бўлагидея 80 минг туп саримсоқпиёз етишти-риб, мўмай пулга сотди. Бундан ташқари, томорқасида помидор, бодринг, булғор калампирдан йил бўйи ҳосил олади. Эта-лар етарлича маҳаллий ва ми-не-рал ўғитга тўйинтирилгани ва ўз вақти билан сугорилиб турилгани учун сабза-завот экинлари яш-наб турибди.

Барк уриб ўсаётган сабза-завотлар беихтиёр киши ҳавасини келти-ради. «Инсоннинг қўли ту» де-ганлари шу бўлса, ажаб эмас. То-морқанинг шундоқ ёнбошида икки-ча иссиқхона барпо этилган. Оила аъзолари топган даромадла-рининг асосий қисмини иссиқхона қуришга сарфлагани шундайгина кўзга ташланиб турибди. 6 сотихли иссиқхонада 65 туп, 7 сотихлисида эса 70 туп лимон ниҳоли кўз-ни қу-вонтиради. Ҳар йили бу лимон да-рахтларидан 8-9 тонна ҳосил йиғиб олиниб, 50 миллион сўмгача соф даромад олинади.

— Лимончиликка илмий асосда ёндашилсагина мўл ҳосил олиш

мумкин, — дейди Эшмуҳаммад ака.

Ишнинг кўзини билган соҳибқор янгида қурган иссиқхонага ўтказил-ган 60 туп лимонни меҳр билан пар-варишлаш билан бирга, ёш ниҳол-лар атрофидаги бўш жойга картошка экиб, мўл ҳосил етиштириш чора-сини ҳам кўрган. Картошка ҳоси-лини ҳам эрта-индин йиғиштириб олишди. Аксинча, бозоргир дехқон-чилик махсулотларини элдошларига қулай ва арзон нархларда сотишди. Оила бошлиғи Эшмуҳаммад ака ишдан бўш вақт ортирган заҳоти қўлига кетмонини олади. Отанинг ибрати — фарзандларига мактаб. Ҳеч бири ишдан бўйин товламайди. Чунки томорқанинг даромадидан уч рўзғордаги 16 кишининг турмуши фаровон.

Эшмуҳаммад Дўсаловнинг тал-биркорлиғи фақат томорқа билан чекланиб қолгани йўқ. Ҳовлиси-нинг бир чеккасидан оқиб ўтувчи арик бўйидаги 2,5 сотихча жойини ҳовуз қилган. Унга ариқдан сув ки-риб чиқади ва оқиб яна ариққа ту-шади. Ҳовузда балик боқилмоқда. Бир килограммгача тош босади-ган баликларни истаган пайтда тўр ёки қармоқ билан овлаш мумкин. Рўзғордан ортгани қўни-қўшни-ларга сотилади. Бу ҳам ўзига яраша даромад келтирипти.

Бундан ташқари, унинг оила аъзолари ёғи ва киши бостир-маларда 20 бош майда шохли мол, 15 бош қорамол, 50 та то-вуқ парваришлайтир. Оилада сут-қатик, туҳум ва гўшт сотиб олишга етмиш йўқ, «Хазина то-пиб олишга қизикасимиз?» де-ган саволимизга мийғида қулиб қўйган Эшмуҳаммад ака кўз қири билан томорқасини кўрсатди-да, индамасдан кетмонини олиб, экинларга ишлов бера бошлади.



Рустам ДАВЛАТОВ  
«Ishonch»



Тўй. Ажабки, кишиларнинг не-не орзуси, қувончи, бахтиёрлигини ўзида жам этадиган ушбу маросим пародоксал ҳолатда турмушдаги турли иллатларга сабаб бўлаётгани ҳам бор гап. Табиатан меҳмондўст, қўли очиқ халқимиз. Элга ош бериш, кўпнинг дуосини олишга бўлган интилиш менталитет нуқтаи-назаридан миллий ўзлгимизнинг бир бўлагига айланган. Тўйларга етказсин, ҳар куннинг тўй бўлсин, деган тилак ҳар биримизга доимий ҳамроҳ... Тўй учун ўй боши мол боқади, йиғинади, теринади. Оналаримиз ўзи учун азиз бўлган нарсасини фарзанди ё набирасининг қувончли кўнига ҳада, деган ниятда сандиқнинг тубига ташлаб қўяди. Тўйга таниқли ҳофизларни чорлаб, тўйимнинг доврўғини етти маҳаллага дoston қиламан, деганлар ва уларга кўр-кўрона эргашаётганлар қанча. Аслида-ку орзўга айб йўқ. Ҳеч ким хурсандчилик кунининг бошқаникидан кам бўлишини истамайди. Халқимиз руҳиятидаги бу истакни, энг қизиғи, санъаткорлар ҳам билади. Ва мана шу билги бугун уларнинг тегирмонига сўв қўяётгандай... Негаки, тўйлардаги дабдабалар, яллагиларнинг нарх-навоси бугун кўпчиликини, ҳусусан, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини ҳам хавотирга солмоқдаки, жамиятдаги бир оғриқли нуқта ўлароқ қолаётган мазкур масала тез-тез ҳақли мунозараларга сабаб бўлаяпти.

#### ТАЖРИБА

Тахририят бу борада ижтимоий тармоқларда кечаётган мунозараларни ўрганишга қарор қилди. Бир тўй баҳонасида таниқли санъаткорлар билан боғланишга тўғри келингани ҳақида фикр ўртача ташланди. Бунга Нарғиза Муродованинг «Хабар.uz»да чоп этилган «Нега хонандаларнинг хизмат ҳақи бунча қиммат?» номли мақоласи сабаб бўлди. Масалан, Улуғбек Раҳматуллаевнинг продюссери қўшиқчи тўйни тўлиқ ўтказиб беролмаслиги, дастури ярим ёки бир соатлик экани, соатига 3,5 минг доллар тўлов қилиш лозим бўлишини билдирган. Шаҳоданинг продюссери ҳам худди шундай тартибда дастури мавжудлиги, бир соатлик хизмат 5 минг доллар атрофида эканини айтган. Бошқаларнинг ҳам нархи шундан кам бўлмаслиги, битта тўйнинг ўзи қанчага тушиши-ю бу пулга қишлоқда икки-учта тўй ўтказиш мумкинлиги, тўйларда санъаткорлар хизматини қатъий тартибга солиш лозимлиги ҳақида долзарб пост қолдирилди.

Ақсарият фойдаланувчилар ушбу фикрни қувватлаб, бу ҳолатни танқид қилиб чиқди. Кимдир келган «юлдуз» катта пул олса-да, фонограмма орқали қўйлашини айтса, кимдир санъаткорларни солиққа тортиш лозимлиги, яна кимдир бунга одамларнинг ўзи сабабини бўлаётганини таъкидлади, бошқа биров мавзунинг ўзга жиҳатларини очиклади.

— Ўзимиз шу «юлдуз»ларни кўтарамиз ва яна норози бўламиз! Палончининг тўйига Озодбек келибди, палончиникига Юлдузхон, деб шов-шув қиламиз, — дейди жижизахлик Ҳаёт Қосимов. — Бойлар кўп, пулни нимага ёки қасрга сарфлашини билмайди, маҳалладаги камбағалга ёрдам беришга экинлик қилишади (ҳаммасиям эмас). Бизнинг шахримиз кичикроқ бўлсаям, маҳаллаларда овози борлар бор, фонограммасиз айтишсади, тўйга келган халқни роса ўйнатади! Пулга келсак ҳамёнбон! Ҳамма айб ўзимизда, бир-икки ой ўша «юлдуз»ларни тўйга айтган, ана кейин кўрасиз!..

— Мумтоз йўналиш бўйича Консерваторияда таҳсил олганман. Жонли яқроқ ширим! Ўзимга яраша мухлисларим бор. Хонандалар ҳақида кўп танқидларнинг гувоҳи бўламан. Илтимосин, бундай қилишдан олдин уларнинг реклама учун сарфлаётган харажатлари билан ҳам танишинглар. «Ободим ёр» деб номланган қў-

#### Ҳикмат

*Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш қуфрони неъматдур. Ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.*

Абулқосим ЗАМАХШАРИЙ

шиғимни радио, телевидениеда айлантиришга бир ойлик ўртача реклама учун **15 000 доллар** сарфланди. Ундан ташқари, бир йиллик лицензия 1000 доллар ҳисобида. Лицензия олганин учун ҳар ойда 180 000 сўм солиқ тўлайман. Қўшиқ клип ҳолига келгунча 6000 доллар кетди. Бу фақат битта қўшиқ учун сарфланган харажатлар, ҳолос, — дейди Гулзода Худойназарова. — Раҳматжон Курбоновлар даврида телевидениега хонандаларни чақириб, пул тўлаб чиқаришган. Ваҳоланки, бундай ижрочилар жуда-жуда кўп! Аммо уларда маблағ йўқлиги учун таниқли бўлиша олмапти. Тўртта

тишимиз керак. Санъатни унинг ичидагилар бузмаслиги лозим...». Тармоқда қолдирилган ушбу пост ҳам кизгин мунозараларга сабаб бўлди.

— Нега кам бўларкан?! Жуда етади-да. Биз томонларда битта санъаткор билан ҳам тўй жуда маромида ўтади, — дейди ижтимоий тармоқнинг Гулчехра Шарипова исмли фойдаланувчиси. — Тошкентча одатнинг ҳечам кераги йўқ. Умуман, машҳур санъаткор келган тўйни тўй деб айтолмайман. Бу билан ҳеч кимнинг шахсиятига тегмоқчимасман-у, тўй тўй эмас, шоуга айланиб кетади. Айниқса, у билан расмга тушиш учун турнактор бўлиб турган

## «Шунча бўлтурми ҳай-ҳай?!»

фонограмма айтadиган «қиммат» санъаткорларни жазолаш мақсадида тўловлар янада оширилиши мумкин, аммо улар бу суммани тўлаб ижодини давом эттираверади. Бўёқда яна жабр кўрадиганлар ҳақиқий жонли ижрочилар, ўзбек санъати фидойилари бўлади! Чунки уларда бундай маблаг йўқ...

#### МУҲОКАМА МУНОЗАРАГА ЧОрЛАДИ

Яқинда «Ўзбекконцерт» давлат муассасасида санъаткорларнинг

тўй-маросимларда иштирок этиши масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда битта тўйда битта санъаткор бўлиши керак, деган мазмундаги таклифга шоир Бобур Бобомурод «Бир тўй учун битта санъаткорни жуда кам деб ўйлайман. Майли, йўналиш бўйича чақиртирсин. Кимдир, албатта, устоз санъаткорни хоҳлайди, маком хоҳлайди. Кимдир эса эстрадални хоҳлайди», дея фикр билдиргани ҳам кўпчилиكنинг диллидаги гапларни ташига чикарди.

Бу бўйича қуйидаги фикр ўртага ташланди: «Шоиримиз битта нарсани назарда тутган кўринади: битта санъаткор битта тўйни ўтказиб олмайдми!» Аниқроқ айтганда, ҳозирда жуда қўйлаб қўшиқчилар (улар санъаткор эмас!) ярим соатлик фонограмма дискини олиб, тўйхоналарни ўзларини бировага кўз-кўз қилиб қилиб-қиқишади. У ерда санъат, ҳақиқий ижро, жонли ижро деган гапларнинг урвоғиям йўқ. Агар ҳақиқий санъаткор бўлса, ҳалоллаб меҳнатига яраша ҳаққини олсин. Етмишдан ошган Шерали Жўраев уч соат жонли концерт бера-япти, бундай хизмати учун санъаткорга муносиб ҳақ тўлаш керак. Аммо оғзини қимирлатиб, майнавозчилик қилиб кетаётган «юлдуз»ларнинг йўлини тўғри ўзанга солиш вақти келди. Талаб тўғри қўйилиши лозим. Биз санъаткорларнинг ҳалол меҳнатига муносиб баҳо берайлик, аммо халтурчиларнинг ҳам бу соҳадан кетиш вақти келганини қатъий туриб ай-



мухлислар, келин-куёвга тупуриб қўйган бойвачча меҳмонлар, пул қистириши илнжиди «юлдуз»лар» атрофида ширақайф рақсга тушаётган ёшлар... Хуллас, оддий битта яхши хонанда билан ўтган тўйга нима етсин? Пул ишлаш учун керак бўлса ўзи ҳам раққосалар олдиди турволиб қилланглайдиганларнинг кимга кераги бор?

— Тўйлар ҳақидаги ўйларни ўқир эканмиз, жамиятимиз қанчалар тубанлашиб кетганига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутаты Азамат Зиё. — Юзаки қараганда, барча миллат, маънавият, санъат ҳақида қайғургандек, аслида эса «қассобча мой қайғу, эчкига жон». Фожиямиз ҳам шунда! Айнан шу сабабдан ҳам Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Бехбудий, Фитрат... ва яна кўпларни қўлдан бердик. Лекин аклимиз қирмади, қирмади. Тўй, ундаги отарининг сони муҳимми ёки икки ёшининг бахти, янги туғилган оила, бўла-жақ фарзандлар — ўзбекнинг эртанги кўни, саодати муҳими? Кўп гап — эшакка юк! Сафсаталар вақти ўтди. Шарпта кесиб, оқилона тўхтамага келиш зарур. Кейин кеч ва оғир бўлади. Моҳият эътибори билан

ман кўзи ўйилсин. Ана шу «ҳоно-ҳавас» азал-азалдан қон-қонимизга сингиб кетган, десак тўғри бўлар балки. Жадидалар даврида ҳам бу борада фикрлар билдирилган, ўтган асрда суратга олинган «Маҳаллада дув-дув гап» фильми қаҳрамони битта кўзини ўнта қўй, дея мактанни ҳам шундан дарак беради. Ана шу «ҳавас» инсонни нималарга етакламайди. Ойлада ҳамма нарсаси етарли бўлса, билинмас, аммо оқибати ўйланмай кўтарилган қарз-қавола ортидан пайдо бўлган нотинчлик, ёшларнинг ҳам келажак режаларини тузиб бахтдан сармаст бўлиш ўрнига тинчи бузилиши ва бошқа-бошқа дилхираликлар... Бу борада атрофимизда жонли мисоллар қалашиб ётибди.

Яна бир аччиқ ҳақиқат. Кўпчилик санъаткорни қўшиғи учун эмас, тўйимга фалон-фалон артистлар келди, дея мактанниш учун айтаётгандек. У қандай қўшиқ қўйлади ёки дискни қўйди оғзини қимирлатиб кетадими, бу меҳмонларга ёқадими-йўқми буни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Фақатгина тўйда ўша юлдуз кўриниш берса бўлди. У учун қанча-қанча маблағ сарфлаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бунинг ортидан тўйнинг овозаси «қоламга ёйилса»... На-

#### Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз

заримизда, бу иллатдан қутулиш пайти келганини халқимиз онгига сингдириш керак бўлган пайт келди.

— Битта тўйда битта санъаткор бўлсин, деган фикрни ким айтган бўлса ҳам отасига раҳмат, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баходир Каримов. — Бу қонун билан белгилаб қўйилса, нур устига нур бўларди. Аввало, бирровга келиб, ўн дақиқа айтадими-йўқми, отнинг қалласидек пулни қилиб кетаётганлар ўзига келади. Нарх ҳам пасаяди. Ўртада рақобат қучайиб, ҳақиқий истеъодлар ажралади. Бу соҳага адашиб кириб қолганлар «диск»ни бир жойга йиғиштириб қўйиб, чин касбини топади. Яъни, бутун бошли тўйда охиригача хизмат қилиш ҳақиқий истеъод бўлмаса, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Кимлардир жонли ижро талаб қилиб қолса, «ҳунари» ошқор бўлиб қолишини яхши билади. Энг асосийси, халқимиз тўйимда фалон-фалон юлдузлар кўриниш берсин, деган шайтоний ўй-дан қутулади. Ўзи ёқтирган яхши бир санъаткорни айтиб қўя қолади. Тўй ҳам тўйдек ўтади.

Тўй ҳам қадрият. Унинг ўзига ҳос қонун-қоидалари, ота-боболардан мерос урф-одатлари бор. Буни яхши тушунган киши асло кам бўлмайди. Шунга қараб ўзи, оиласи, халқи ва юртига манфаат келтирадиган режа асосида яхши кўннини ўтказсади. Ана шу хислати унинг маънавиятини кўрсатиш баробарида жамиятнинг ортидан эргаштиришга ҳам хизмат қилади. Ўзига тўқ хонадонлар бу борада манманликка берилиш ўзгачаларга беҳурматлик эканини тушунади, бундайроқлари эса кўрпасига қараб оёқ узатади.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг тўйда дабдабозликка берилиб, оқибатда қандай ҳолга тушиб қолган киши ҳақидаги сатрлари ҳаёلدан ўтади:

...Амакми шунақа тўй бериб зага,  
Эртанги овоза гаптини сурар.  
Топан-тутганини соғуриб елза,  
Эшак танасида бўзрайиб турар.

#### ДЎППИНИ БИР ЧЕТГА ҚЎЙИБ...

Шу ўринда ёшлгимда бўлган бир воқеани ёдга олсам. Қишлоқда бўлган тўйга воҳа тарафдан таниқли, ёши улуг бахши келиб қолди. Одамлар унинг ширин овозидан маст бўлиб, қайта-қайта илтимос қилиб баям тутагунча жонли овоздаги достонлар-у дўмбюра сеҳрига маст бўлиб ўтиришди. Қўлоқни тешадиган мусиқа овози ютиб юбораётган маҳаллий санъаткорлар борлиги буткул унутилди. Бахши халқнинг бу эътибор-ию эътирофидан қўнгли тоғдек кўтарилган, қўйиб берса, туни билан ҳам қўйлайдиган... Демак, халқнинг қўнглидан чиқиб, ўша тўйни узоқ вақт эслаб юриши учун битта ҳақиқий истеъод этиб ортар экан. Буни дўппини бир четга қўйиб ўйлаб кўрадиган пайт келди.

*Оғриқли нуқта... Инсонга асло тинчлик бермайдиган дард. Қачонки даволанса, қўнгли хотиржам бўлади. Аммо бу оғриқ бергина кишининг эмас, бутун жамиятники бўлса-чи? Бунга бутун эл биргаликда қўлашиб, ишро ахтармаса, у газак олиб қўтайса қўтайди-ки, асло ортга чекинмайди. Халқимизнинг ўтмиши ва бугуни оғриқларидан бири бўлган тўй машинасига ўз вақтида даво чорасини кўрмасак, эртанги кеч бўлиши тайин. Ўзимиз эса келажакда ҳам ўндай қилиш керак, бундай қилиш керак, деб юргас бўламиз.*

Сиз нима дейсиз, қадрдон?

Салим АБДУРАҲМОНОВ  
тойёроди.

#### Реклама

### «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

*бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Савдога Фаргона вилоят прокуратурасининг 31.05.2018 йил кўнги №28/05-18 сонли хатига асосан, қуйидаги авто-транспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 630 АВА, бошлангич баҳоси — 20 146 000 сўм;
2. «Нексия» русумли автомашина, 2007 йилда и/ч, д/р: 40 629 АВА, бошлангич баҳоси — 20 742 000 сўм;
3. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 628 АВА, бошлангич баҳоси — 20 610 000 сўм;
4. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 627 АВА, бошлангич баҳоси — 20 486 000 сўм;
5. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 624 АВА, бошлангич баҳоси — 20 847 000 сўм;
6. «Нексия» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 623 АВА, бошлангич баҳоси — 20 477 000 сўм;
7. «Дамас» русумли автомашина, 2006 йилда и/ч, д/р: 40 625 АВА, бошлангич баҳоси — 21 638 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 6 июль кўни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Ёпиқ аукцион савдосига талаботнамалар вилоят прокуратураси органидаги ишловчи ходимлардан хабарнома чиққан кундан бошлаб, ҳар кўнлар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талаботнамалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 4 июль соат 16:00.

Талаботлар дискретга!

Юқорида ҳўрсатилган муслар 6 июль

кўнги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2018 йилнинг 19 июль кўни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога ариалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кўн олдин тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган шахста 10 (ўн) кўн ичиди сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти қўйилганлиди.

Талаботлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини закатат келишув шартномаси имзолагандан сўнг «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фаргона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожат учун манзил: Фаргона шаҳар, С.Те-мур кўчаси, 45-ўй. Тел.: (+998 95) 402-54-75 54-75 Гувоҳнома: № 1894.

#### БИЛДИРИШ!

«Ishonch» газетасининг 26.04.2018 йил кўни сониди «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ томонидан берилаган тўловга асосан, ёпиқ аукцион савдосига қўйилган, Фаргона вилоят прокуратурасига тегишли авто-транспорт воситаларининг ёпиқ аукцион савдоси Фаргона вилоят прокуратурасининг 31.05.2018 йил кўни №28/05-17-сонли хатига асосан, тўхтатишга тилиш маълум қилинган. Мурожат учун манзил: Фаргона шаҳар, С.Те-мур кўчаси, 45-ўй. Тел.: (+998 95) 402-54-75 Гувоҳнома: № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

Бекатдан «тез юрар уловда» сафарга чиқдим. Сафардан қўзланган мақсад, «Ёшлик бекати»га тушиб қолишим керак эди. У ер мен учун сирли ва мафтункор бўлиб туроларди... Сафар давомида атрофини иштиёқ билан қўзатиб борар эканман, ширин орзуларга берилиб, кўзим йўқига кеттибди... Бир маҳал уйғонсам, нотаниб бекатдаман... Сергакланган кўйи ўрнимдан қўзғалдим. Негадир, ўзимни бошқача ҳис қилдим. Ахир, нима бўлди, мен «Ёшлик бекати»га тушиб қолишим керак эди-ку?! Бу ер қайси бекат? Қандайдир сирли овоз қайтарди: «Сиз «Кексалик бекати»га етиб келдингиз!» «Ёшлик бекати» эса аллақачон ортда қолган! Бу ер қайси бекат, тавба, дедим саволимни такрорлаган кўйи қалбим ўқиниб... Ҳалиги

## «Сўнгги бекат»...

овоз эса хотиржамлик билан: «Кексалик бекати»га хуш келибсиз!», — дея яна хитоб қилди...

Саросимада уловдан югуриб тушдим. Улов эса учқур отдек қўздан ғойиб бўлди. Шу лаҳзада буткул хайратлар гирдобига қолиб кетдим. Ахир, мен сафарга чиқаётганимда яшиган баҳорнинг илк палласи эди-ку!!! Бу ерда бўлса, ҳазонрез фасл ҳукмронлик қиларди... Атроф рутубатли... Қарасам, бу ердаги ҳамма одам ниманидир хотиржамлик ва, айнаи пайтда, қандайдир илнж билан қутарди...

Улар, кўнади, тез-тез атрафга теран солиб, фалакка ҳам термулиб йўналишди. Энг ажабланирлиси, уларнинг деярили ҳаммаси ёшлиқни аллақачон тарк этган бўлиб, сочлари оқарган, қадам ташлашлари ҳам оҳиста. Қадлари ҳам бир оз этилган. Қўзларида қақнаш сезилмайди. Айримларининг қадли эгикрок. Айримларининг эса қўллари қадок. Тавба, бу нимаси бўлди?!

Бу бекатда бирорта ҳам ёш одам кўринмасди. Булар ҳам менга

ниб кетди. Уларнинг ҳар бири билан суҳбат қилиб, қўнғилларни кўтаргим келди. Бирок уларнинг теран нигоҳлари бунга муҳтож эмасликларини айтиб турарди. Шундай бўлса-да, оппоқ либосдаги соч-соқоли оқарган, бир қарияни сўроққа тутдим: — Бу ердаги одамлар қайси бекат учун улов қутнишяпти, отахон? У менга бир оз разм соларкан, хотиржамлик билан «Биз «Кексалик бекати»да узоқ қолиб кетдик. Қиладиган ишимиз қолмади... Энди «Сўнгги бекат» учун улов қутаяпмиз. Бирок, улов қайси дақиқада етиб келади, билмаймиз... Аммо бизни «Сўнгги манзил»га олиб кетадиган уловнинг келиши аниқ... Шунинг учун хавотир олмасак ҳам бўлади», — деди...

«У ер қанча бекат?.. Бу ердан яхшими, ахир?», — дедим, йиғлагудек бўлиб... «Албатта-да, — деди у. — Ахир, у ерда қутниш ва шошилишга ҳожат йўқ. Еб-ичиш, ур-йиқит ҳам бўлмайди... Кейин у узоқ ўйга толиб, яна фикрени давом эттирди: «Балки, у ерда бизни азоб ёки ақинча, ҳузур-ҳаволати манзил қарши олар!

Кейинги қисматимиз ҳақида сенга бирор нарса дейишга ожизман. У ёғи энди Унга боғлиқ». Қария кўрсаткич бармоғи билан тепага ишора қилди-да, жим бўлиб қолди...

Мен нима қилишни билмай «наҳотки, «Кексалик бекати»да бир ўзим қолиб кетаман?», деган ўй билан ҳалиги кеска кишига илтижоли тикилдим... Кеска эса худди қўнғилдан кечганларни сезгандек, «Хавотир олма! Биз ҳам худди сенга ўхшаб уйқу тугайли «Ёшлик бекатини» ўтказиб юбориб, ўзимиз кексайиб қолганимизни мана шу ерга келганда сезиб қолганимиз», — деди.

«Сўнгги кўйи»... Унинг қайси дақиқада етиб келиши ва «Сўнгги бекат»га қайси дақиқада олиб кетиш номуълум бўлса-да, унинг қачондир учқур отдек етиб келиши аниқ эди... Шу лаҳзада ўзимни худди туш кўраётгандек сархуш қайфиятга тушиб қолганини ҳис қилдим...

Сайёра ШОДИЕВА,

«Ishonch» муҳбири

#### МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

#### Бош муҳаррир:

Ҳўсан ЭРМАТОВ

#### Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Ҳўқўқ ва халқроқ ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

#### Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бўҳоро кўчаси, 24-ўй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилиди ва саҳифаланиди.

«Shonch» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. Қорқона манзили: Бўҳор Тўрон кўчаси, 41-ўй.

#### Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

#### Хўдудлардаги муҳбирлар:

Қорқалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бўҳоро — (+998-93) 653-50-81  
Ўзбекистон — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сўрқондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-90) 991-55-71  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри тахририят нўқтани назаридан фарқланиши мумкин.**